



2023 йил 22 февралда большевиклар томонидан Туркистон Мухторияти (1917 йил 27 ноябрь – 1918 йил 27 февраль) ҳукумати махв этилганига роппа-роса 105 йил тўлади! Қўкон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносида янги ҳисобда 1918 йил 22 февралда (эски ҳисобда 9 февралда) большевиклар қўли билан тайёрланган “тинчлик шартномаси” имзоланган эди. Айтиш жоизки, ўтган 100 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Туркистон халқларининг мухторияти учун (мустақиллик учун эмас!) курашган мухториятчилар ва тараккийпарварлар ҳаёти ва фаолияти, хусусан, ушбу ҳукумат вазирлари ҳамда Туркистон Миллий мажлиси аъзоларининг фожиаи ўлими билан якунланган аянчли тақдири етарлича ўрганилди, деб айта олмаймиз. Мазкур тадқиқот маълум маънода ушбу бўшлиқни тўлдиришига умид қиламиз.

### Бутунтуркистон мусулмонлари курултойлари

“Шўрои Исломия” ташкилоти ташаббуси билан 1917 йил 16–22 апрелда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг I курултойи чакирилди. Туркистон ўлкасининг давлат мақоми масаласи курултой кун тартибидаги асосий масала эди. Курултойда Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий шўроси (архив ҳужжатларида Краймушсовет) – Миллий марказ тузилди. Унга Мустафо Чўкай раис, Илом Султон Шоахмедов раис ўринбосари, Аҳмад Заки Валидий ва Убайдулла Ҳўжаев котиб этиб сайланди. Марказий шўро таркибига Маҳмудхўжа Бехбудий, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Носирхон Тўра, Муҳаммаджон Тинишбоев ва башка тараккийпарварлар киритилди. Шунингдек, Мунаввар қори ва Садриддинхон афанди бошчилигида Тошкент қўмитаси ҳам тузилди. Бу ҳолат миллий ташкилотларни жипслаштириш билан бирга миллий озодлик ҳаракатини бир тизимга солиб, ташкилий жиҳатдан марказлаштирар эди.

1917 йил 17–20 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Қозоғистон мусулмонлари курултойида “Шўрои Исломия” ва “Шўрои Уламо”, “Турон” ва бошқа сиёсий ташкилотларни бирлаштириш асосида “Иттифоқи муслимин” номли сиёсий партияни тузишга киришилди.

Туркистонни бошқариш шакли тўғрисидаги масала 1917 йил 26–28 ноябрь (янги ҳисоб билан 9–11 декабрь)да Кўкон шахрида бўлиб ўтган Бутунтуркистон мусулмонларининг Ҳафвудда IV курултойининг диккат марказида турди. Курултойда мухторият ва мустақиллик эълон қилиш фикрини ҳамма қўллаб-қувватлади. 1917 йил 26–30 декабрда (янги ҳисоб билан 1918 йил 8–12 январда) Кўкон шахрида бўлиб ўтган ерли ишчи, аскар ва дехкон депутатлари I Ҳафвудда курултои вакиллари томонидан Туркистон Мухторияти ҳукуматини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Туркистон ўлкаси Халк Комиссарлари Советига ишончсизлик билдириш тўғрисида резолюция қабул қилиндики, бу ҳол катнашчилар сиёсий онги анча юксаклигидан нишона эди. Айнан мана шу анжуманда Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинди. Курултой Туркистон ўлкасини Россия Федератив Республикаси таркибида ҳудудий жихатдан мухтор деб эълон қилди. Курултойда Таъсис Мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Миллий Мажлис (Миллат Мажлиси) қўлида бўлиши керак деб ҳисобланди.

Миллий Мажлис таркибига 32 нафар киши сайланди: Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев), Мустафо Чўкаев (Мустафо Чўкай), Тошпўлатбек Норбўтабеков, Садриддинхон Шарифхўжаев, Кўнгирхўжа Хожинов, Исматулла Убайдуллин, Саидносир Миржалилов, Шерали (Серали) Лапин, Саид Жаъфарбой Саидов, Исом Султон Шоахмедов, Абдурахмонбек Ўразаев, Хидоятбек Юрали Агаев, Носирхон Тўра (Носирхонтўра Камолхонтўра ўғли), Миродил Мирзаахмедов, Тошхўжа Ашурхўжаев, Абдулқодир Қўшбеғиев, Обиджон Махмудов, Жамшидбой Қорабеков, Соломон Абрамович Герцфельд, Абдусамад Абдусалимов, Убайдулла Дербисалин, Муса Акчурин, Мустафо Мансуров, Махмудхўжа Бехбудий, Иброҳим Далшин, Муҳаммаджон Тинишбоев, Халил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Камол Раҳмонбердиев (Камол қози), Олимхонтўра Шоқирхонтўраев, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров ва бошқалар. Бирок Миллий Мажлис раиси лавозимига номзоди кўрсатилган Шерали Лапин бу тақлифни рад этгач, мазкур лавозимга курултойда бошқа киши сайланмади.

Шубҳасиз, миллат фидойиларининг ушбу саъй-ҳаракатлари большевикларни саросимага солди. Туркистон ўлкаси Халк Комиссарлари Совети Туркистон Мухториятини тугатиш учун 1918 йил 30 январдаёқ ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. Советлар 31 январда Скобелев (ҳозирги Фарғона), Андижон, кейинчалик Перовск (ҳозирги Қизилўрда) шаҳарларидан 200 нафардан ортиқ аскарларни Кўконга ташлади. Дастлабки жангда мухториятнинг тахминан 1000 кишидан иборат миллий қўшинидан ташқари қўқонлик тинч аҳоли вакиллари ҳам катнашди. Асосан болта, чўкич, кетмон, ўрок, таёқ қўтарган ҳалойикнинг сони 10 000 кишига етди. Қурол-аслаҳасиз шаҳар аҳли қизилларнинг ҳужумини уч кун давомида мардонавор қайтардилар. 1918 йил 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги пиёда, отлик ва артиллерия қисмларидан иборат яна 11 та эшелондан иборат қўшин етиб қелди. 19 февралдан бошлаб 3 кун давомида қизиллар шаҳар устига тўплардан снарядлар ёғдиришди. Кўкон бутунлай вайрон бўлди ва ўт-олов ичида қолди. Уч кун давомида 10 000 нафардан зиёд киши қиргин этилди.

“Улуг Туркистон” газетаси чуқур қайғу билан хабар берганидек, “20 (7) февраль куни Хўқанд (Кўкон) тарихининг энг дахшатли куни эди. Бунда арманилар айрича фаолият

кўрсатганлар...” Газетадаги ушбу мақола “Хўканд – ҳозир ўлиқлар шаҳри” деган даҳшатли ибора билан тугайди. Нихоят, 1918 йил 22 февралда Кўкон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан тайёрланган “тинчлик шартномаси” имзоланди. Ушбу шартноманинг иккинчи моддасида “Аҳоли ўлка Халқ Комиссарлари Совети ҳокимияти ва барча маҳаллий совет ташкилотларини тан олади”, деб ёзилган эди. Ҳа, ўққа тутилган, ўлдирилган, таланган ва таҳқир этилган кўконликларнинг тирик қолган қисми совет ҳокимиятини тан олмасдан қаёққа борарди?

1918 йил 30 апрелда Туркистон ишчи, солдат ва дехкон депутатларининг V съездида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (баъзи манбаларда Туркистон Совет Республикаси) тузилганлиги эълон қилинди. Гўёки совет ҳокимияти Туркистонда яшовчи маҳаллий халқларга совет автономияси бошқарувидаги “миллий давлатчилик” ва “мухторият”ни “ҳадя этганди”.

Мухторият ҳукумати вазирлари кимлар эди?

Шу ўринда Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти ҳамда кейинги тақдирини тўғрисида тўхталиб ўтамиз:

Мухаммаджон Тинишбоев

Мухаммаджон Тинишбоев (Мухамеджан Тинишпаев. 1879–1939) – давлат ва жамоат арбоби, тарихчи олим.

Еттисув вилояти Лепсинск уезди Садир волостида 1879 йил 12 майда тугилган. Миллати қозоқ. У 1889–1900 йилларда Верний эркаклар гимназияси, 1900–1906 йилларда Санкт-Петербург Императорлик институти – Александр I номидаги темир йўл транспорти инженерлар институтида ўқиди.

1907 йили II чакирик Россия Давлат думаси депутати қилиб сайланди. 1917 йил апрелда Россияда тузилган Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети аъзоси, Туркистон Мухторияти Бош вазир ва ички ишлар вазир (1917 йил ноябрь-декабрь), Алаш Ўрда ҳукуматида ички ишлар вазир (1917 йил декабрь–1920 йил март) ва кейинчалик Бош вазир ўринбосари лавозимларида ишлади. У кейинчалик Туркистон АССР ва Қозогистон АССРда турли лавозимларда фаолият кўрсатди. Туркий халқлар тарихи ва этнографиясига оид асарлар ёзган, уларнинг айримлари ўша пайтда рус тилида Тошкентда нашр қилинган.

Совет ҳокимияти томонидан М.Тинишбоев биринчи марта 1930 йил 3 августда қамокка олинди ва беш йилга РСФСРнинг Марказий қоратупроқ ҳудуди (ҳозирги Воронеж области)га сургун қилинди (1930–1935). Кейинчалик Тошкентда НКВД томонидан 1937 йил 21 ноябрда қайта қамокка олинди ҳамда Тошкент турмасидаги қасалхонада 1939 йил 3 июлда 60 ёшида вафот этди. М.Тинишбоевнинг асарлари Алматида 1991 йилдан кейин нашр этилди. СССР тарқалгач, Қозогистонда унинг хотирасига бағишлаб хайкаллар ўрнатилди. Қозогистонда Мухаммаджон Тинишбоев номи махсус эсдалик медали таъсис этилган.

### Мустафо Чўкай

Мустафо Чўкай (1890–1941) – таникли давлат ва жамоат арбоби ҳамда Туркистон халклари мустакиллиги учун изчил курашчи.

Сирдарё области Перовск уезди Жопек волостидаги Авлиётарангил овулида 1890 йил 25 декабрда (янги ҳисоб билан 1891 йил 7 январда) тугилган. Отаси Чўкайбей Тўргай додхоҳ ўғли бўлиб (волость) бошлиғи, козакларнинг кипчок уруги аслзодаларидан бўлган, онасининг аждодлари Хива хонларига бориб такалган. Мустафо Чўкай таржимаи ҳолида ўзини кипчок деб ҳисоблаган.

Мустафо Чўкай бошланғич таълимни Окмачитда олгач, Тошкентдаги эркаклар гимназиясида ўқиди (1902–1910). Санкт-Петербург университетининг юридик факультетини тугатган (1914). Мустафо Чўкай 1916-1917 йилларда Россия IV Давлат думасининг мусулмонлар фракциясида котиб ва таржимон бўлиб ишлайди.

1917 йил апрелда Мустафо Чўкай Петрограддан Тошкентга кайтди ва Туркистондаги сиёсий жараёнлар марказида турди. 1917 йил баҳоридан бошлаб “Бирлик туги” ва “Свободный Туркестан” газеталарини чоп эта бошлади. Ўша йили 16–23 апрелда Тошкентда ўтган Бутунтуркистон мусулмонларининг I курултойида Мустафо Чўкай раислигида Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси (Краймуссовет), яъни Миллий Марказ ташкил килинди. Оренбургда 21–28 июлда бўлиб ўтган Бутункиргиз (Бутункозок) I съездида катнашди. Муваккат ҳукуматнинг Туркистон Комитети аъзоси (1917 йил августдан). Тошкентда большевиклар томонидан зўравонлик билан ҳокимият эгаллаб олингач, Мустафо Чўкай бошчилигидаги Миллий Марказ ноябрь ойи бошларида Кўконга кўчиб борди.

1917 йил 12 декабрдан бошлаб Мустафо Чўкай Туркистон Мухторияти ҳукуматининг Бош вазири бўлди. Айни пайтда Мустафо Чўкай Оренбургда 1917 йил 5–13 декабрда (янги ҳисобда 18–26 декабр) бўлиб ўтган Бутункиргиз (Бутункозок) вакилларининг I съездида ташкил килинган Алаш Ҳаракати ҳукуматининг ҳам ташки ишлар вазири бўлган.

Ёшлигидан туркчилик гоялари билан тарбияланган Мустафо Чўкай ягона ва бўлинмас Туркистон тузиш тарафдори эди. У козак элатдошлари бўлган “Алаш” партияси аъзоларига алоҳида автоном ҳукумат тузиш зарур эмаслигини, улар Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига махсус вилоят сифатида киришлари мумкинлигини билдиради. Келажакда бу мухториятга Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларини ҳам қўшиб олган ҳолда мустакил Туркистон давлатини (Ўзбекистон ёки Козогистон эмас!) тузиш имконияти вужудга келар эди. Бирок Мустафо Чўкай, Бехбудий, Мунаввар Кори, Убайдулла Ҳўжаев, Файзулла Ҳўжаев каби миллат етакчиларининг бундай геосиёсий қарашлари айрим кишиларга ёқмайди.

Мустафо Чўкай 1919 йил февралда Европа давлатларига махсус меморандум билан мурожаат қилиб, Туркистондаги истиқлолчиларнинг большевикларга қарши курашини қўллаб-қувватлашга, совет режимини ағдариб ташлашга чақирди.

1919 йил баҳорида козок даштлари ва Каспий денгизи оркали аввал Боку, сўнгра Тифлис (Тбилиси) шахрига боради. Бу ерда у “Yeni Dünya” ва “Şafak” газеталари, “На рубеже” журнаliga муҳаррирлик қилди. Қизил армия Тифлисни босиб олгач, Мустафо Чўкай муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур бўлди ҳамда Истанбулга етиб келди. Мустафо Чўкай 1921 йил ёзида Парижга келди. У 20 йил муҳожирликда яшади. 1929 йилдан бошлаб Туркистон Миллий Бирлиги Марказий Кўмитасининг раиси бўлди. 1929–1939 йилларда чиққан “Yaş Türkistan” журнаliga муҳаррирлик қилди. Журнал Парижда тайёрланиб, Берлинда нашр қилинган (унинг 117 та сони чоп этилган).

Мустафо Чўкай муҳожирликда яшаб, Ўрта Осиё республикаларида совет режимига қарши давом этаётган қуролли истиклолчилик ҳаракати (большевиклар “босмачилик” ҳаракати деб атаган) тўғрисида “О басмачестве” мақоласида шундай ёзган эди: “Туркистон – Совет Иттифоқининг кўзғолончилар ҳозиргача ўз ҳаракатини тўхтатмаган ягона қисми. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан, Москва зулмидан қутулиш учун мамлакатни қурашга олиб келган миллий тўғунинг қучлилиги. Бу умумий ҳолатнинг сабаби ҳисобланади. Иккинчидан, маҳаллий ҳусусиятга молик сабаб ҳам бор. Бу совет миллий сиёсатининг факат Туркистонга ҳос алоҳида ҳусусиятидир.”

Германия СССРга ҳужум қилган 1941 йил 22 июнь куни нацистлар Париж атрофидаги Ножан шаҳарчасида яшаётган Мустафо Чўкайни қамокка олишди. У 13 июлгача Компьен ҳарбий лагерида ҳибсда сақланди. Мустафо Чўкай 1941 йил сентябрь–декабрь ойларида совет ҳарбий асирлари сақланаётган Сувалки, Вустрау ва Ченстохова концлагерларида бўлиб, асир тушган туркистонликларни омон сақлаш йўллариини излади. Мустафо Чўкай ва тошкентлик ўзбек Вали Каюмхон туркистонликлардан Туркистон легиони тузишни режалаштирдилар. Бироқ Мустафо Чўкай концлагерларда юқумли тепкили терлама (тиф) касаллигини юктириб, 1941 йил 27 декабрда вафот этди.

Мустафо Чўкай рус, ўзбек, козок, турк, француз, инглиз, немис, поляк тилларида Туркистоннинг XX аср тарихига оид кўплаб мақолалар ва китоблар ёзди. “1917 йил хотира парчалари” (Берлин, 1937; ўзбек тилида) китоби қатта шухрат қозонди. Бу асар турк (Анкара, 1988), рус (Германия, 1989; Токио-Москва, 2001), ўзбек (Тошкент, 1992) тилларида алоҳида китоб бўлиб нашр қилинди. Унинг 2 жилдли “Танланган асарлар” китоби (Алмати, 1998-1999) козок ва қисман рус тилларида босилиб чиқди.

СССР тарқалгач, Қозогистон ва Ўзбекистонда Мустафо Чўкайнинг асарлари қоп этилди. Таниқли тарихчи олим профессор Қушим Есмағамбетов бошчилигида Алматида Мустафо Чўкайнинг 12 жилдлик асарлар тўплами нашрдан чиқди. Қозогистонда Мустафо Чўкай ҳақида бадиий асарлар яратилди, кинофильмлар суратга олинди, унинг хотирасига атаб ҳайкаллар ўрнатилди.

Ислом Султон Шоаҳмедов

Ислом Султон Шоаҳмедов (Шохислом Шагисултонович Шагиахметов. 1882–1922) – таниқли мусулмон жамоат ва сиёсат арбоби.

1882 йил 21 ноябрда Оренбургда татар-бошқирд оиласида туғилган. И.Шоаҳмедовнинг

дунёкараши асосан Оренбург татарлари ўртасида шаклланган. И.Шоахмедов Оренбург эркалар гимназиясини тугатгач (1905), Санкт-Петербург университетининг аввал шарқшунослик, сўнгра юридик факультетида ўқийди (1905–1910). Туркий ва рус тилларидан ташқари инглиз, француз, немис тилларини яхши билган. Талабалик пайтида у Россиядаги социал-демократик ҳаракатга кизиқиб, 1907 йилда Тошкент гарнизони солдатлари ўртасида ташвиқот ишларини олиб борган. Петроградда 1917 йил ёзда ташкил қилинган Бутунроссия мусулмонлари Шўроси Ижроия Комитети аъзоси ва секретари.

У Петербургда 1912 йил октябрда чиққан “Мусульманской газеты”нинг муҳаррири бўлди. Бир қатор суд ишларида меньшевиклар партияси вакилларини ҳимоя қилади. И.Шоахмедов Россия империясидаги мусулмон аҳолиси ҳуқуқлари учун курашган. 1915 йил бошларида Қўконга келган. И.Шоахмедов Скобелев округ судида терговчи адвокат ўринбосари сифатида ўз фаолиятини бошлайди. Бу ерда у “Садои Фаргона” газетасини чиқаришда муҳим роль ўйнайди. 1916 йилда “Гайрат” жамиятини тузиб, “Туркестанский край” газетаси нашрини йўлга қўяди ва унга муҳаррирлик қилади. 1916 йил Фаргона водийсида кўтарилган мардикорчилик кўзғолонини қўллаб-қувватлайди.

Туркистон Мухторияти ҳукуматида Бош вазир ўринбосари, кейинчалик молия вазири бўлди. Туркистон Мухторияти Конституцияси лойиҳасининг муаллифи. Мухторият ҳукумати тугатилган пайтда Қўкон кўргони ичида большевиклар томонидан қўлга олинган (1918 йил февраль). 1918 йил баҳорида “Улуг Туркистон” газетасида ёзилишича, у Тошкентдаги камокхонада қийноқлар натижасида ақлдан озган ва турма лазаретига кўчирилган. 1918 йил майда большевиклар томонидан Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тирик қолган аъзолари афв қилинган, камокдан чиққан.

1919-1920 йилларда И.Шоахмедов большевиклар билан ҳамкорлик қилган. 1920 йил охирида у яширин равишда Маньчжурияга жўнаб кетган. 1921 йил бошларида у Британия Хиндистонига қарашли Пешовардаги рус қочқоқлари жойлашган лагерга тушиб қолган. И.Шоахмедов қариндоши бадавлат савдогар Агафуров оиласининг моддий қўмағида 1921 йил августда Владивостокка келади. Орадан кўп ўтмай И.Шоахмедов қаттиқ касалланган ва Владивостокдаги қариндошлари ҳузурида қолиб кетган. У 1922 йил охири ёки ундан кейин, 40 ёшларда вафот этган.

### Убайдулла Хўжаев

Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев; Убайдулла Асаддуллаевич Хўжаев. 1886–1942) – таниқли давлат ва жамоат арбоби, ўзбек матбуотининг ташкилотчиларидан бири.

1886 йили Тошкент шаҳрида ҳунарманд оиласида тугилган. Саратовдаги ҳуқуқшунослик институтида ўқиган (1908–1912). Талабалик йилларидаёқ машҳур рус ёзувчиси Лев Толстой билан ёзишмалар олиб борди (1909). Тошкент округ судида 1913 йилдан хусусий адвокат бўлиб ишлади. Тез орада жадиждчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бирига айланди. У Тошкентда 1914 йил апрелдан “Садои Туркистон” газетасини чиқариб, унга муҳаррирлик қилди. Ўз атрофига ёшларни тўплаб, “Умид” яширин жамиятини тузди.

Кейинчалик бу ташкилот “Тараккийпарвар” деб номланиб Туркистон жаидларининг етакчи ташкилотига айланди. Чор маъмурлари томонидан “Садои Туркистон” ёпилгач, у Андижонга келди ва рус тилида “Туркестанский голос” газетасини нашр килдирди.

Мардикорчилик хакидаги император Николай II фармонини бекор килдириш учун махаллий сармоядор Миркомилбой Мирмўминбоев билан бирга Петроградга йўл олади. Туркистон ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси (Миллий Марказ) котиби ва аъзоси (1917 йил апрель), Бутунроссия мусулмонлар Шўроси Ижроия Комитети аъзоси (1917 йил май), Тошкентда 1917 йил март ойида тузилган “Шўрои Исломия” ташкилоти раиси, Мухториятчилик ҳаракати ташаббускорларидан бири, Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ҳарбий ишлар вазири (1917 йил ноябрь–1918 йил февраль) бўлган.

Убайдулла Хўжаев 1918 йил февралда ҳукумат топшириги билан Кавказга борди ва Туркистонга галла келтириш масаласини хал килди. Мухторият тугатилгач, у Ашхобод–Самарканд темир йўлида большевиклар кўлига тушиб колди. Совет ҳокимияти томонидан 1918 йил майда афв этилгач, Оренбургга боради ва Бошқирдистон Мухторияти ҳукуматини тузишда фаол иштирок этади.

Убайдулла Хўжаев бир неча марта (1918, 1929, 1931, 1938) камокка олинган. Озодликка чиққач, Тошкентда синглизининг уида мухтожликда яшаган. Инглиз ёзувчиси Ж.Р.Киплингнинг машхур “Маугли” асарини ўзбекчага таржима килган. Охириги марта 1938 йил 20 февралда Тошкентда хибсга олиниб, СССР НКВД махсус кенгашининг қарори билан 1939 йил 14 майда 8 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм килинган. 1942 йил 31 октябрда камокхонада ҳалок бўлган.

Убайдулла Хўжаев синглизининг ўгли, яъни жияни бўлган Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло (1921–2020) “Тирик рухлар” (1999) романида Убайдулла Хўжаев фаолиятини ҳамда “Кафансиз кўмилганлар” (1990) хотира-киссасида катагон килинган юртдошларимиз қисматини ёритган.

### Обиджон Махмудов

Обиджон Абдухоликович Махмудов (Обид чаток. 1871–1936) – давлат ва жамоат арбоби, йирик сармоядор ва ношир.

1871 йил 12 майда Маргилонда тугилган. Отаси Абдухолик тўпчи асли бухоролик бўлган. Обиджон Махмудов Кўконга кўчиб келиб, мадраса таълимини олди. У Каспий денгизидаги Челекен ярим оролига бориб, нефть казиб олиш билан шугулланади ва бойиб кетади.

Санкт-Петербург университетининг тоғ-кон муҳандислиги факультетини тугатган. Фаргона водийсида кўплаб нефть конларини очишда иштирок этган. У Фаргона водийсидаги жаидчилик ҳаракатида фаол катнашган ва уларни моддий жихатдан таъминлаб турган. 1914 йили босмаҳона ташкил килган. “Садои Фаргона” (1914), “Тирик сўз” (1917) ва рус тилида чиққан “Ферганское эхо” (1914) газеталарининг муҳаррири ва ношири.

О.Махмудов 1917 йилда Кўкон шаҳар Думаси раиси ўринбосари этиб сайланди. Мустафо Чўкай бошчилигидаги Миллий Марказ 1917 йил ноябрь ойи бошларида Тошкентдан Кўконга кўчиб келгач, унинг ховлисида жойлашганлар. О.Махмудов Бутунтуркистон мусулмонлари фавкулодда IV курултойи чакирилиши ҳамда Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил қилинишида катта роль ўйнади. У ҳукуматда озик-овкат вазири лавозимида фаолият кўрсатди. Кейинчалик юстиция вазири лавозимини эгаллади. Обиджон Махмудов совет режими томонидан бир неча марта камокка олинган. Камокда орттирган оғир хасталиклар туфайли 1936 йил 21 ноябрда 65 ёшида вафот этган.

Абдурахмонбек Ўразаев

Абдурахмонбек Ўразаев (1888–1937) – таникли давлат ва жамоат арбоби.

1888 йилда Янги Маргилон (ҳозирги Фарғона) шаҳрида амалдор оиласида тугилган. Абдурахмонбек ота томондан козокларнинг кипчок уругига бориб такалади. Отаси – Мухаммад Ўразаев (1898 йил 10 майда вафот этган) Ўрта жуздаги аслзодалардан бири бўлиб, 2-Оренбург кадет корпусини тугатган ҳамда Маргилон уезди бошкармасида таржимон ва котиб бўлиб ишлаган. Онаси – Ниёзжон Бибиҳоним Фарғона вилояти Янги Маргилон уезди Аввал кишлоғида тугилган ўзбек аёли бўлиб, у эрининг вафотидан сўнг ўқитувчилик қилган.

А.Ўразаев Скобелев гимназияси (1910) ва Москва университетининг юридик факультетини (1915) тугатган. Фарғона сайлов округидан Бутунроссия Таъсис Мажлиси аъзоси (1917) қилиб сайланди. Туркистон Мухторияти ҳукуматида ички ишлар вазирининг ўринбосари ҳамда Миллий Мажлис аъзоси бўлди. Сўнгра ички ишлар вазири лавозимида фаолият кўрсатди.

Мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилгач, 1918 йил февраль ойи охирида А.Ўразаев большевиклар қўлига тушиб қолган. У 1918 йил май ойида дастлаб амнистия қилинди ҳамда совет ҳокимияти идораларида турли лавозимларда ишлади. А.Ўразаев кейинчалик Сибирга сургун қилинди. У ерда сил касали билан каттик оғриб қолгач, Тошкентдаги қариндошлари (синглиси) оиласига қайтишга рухсат берилди. Бўлғуси атоқли олим, куёви Кори Ниёзий хонадонидида яшади. Тошкентда бир муддат истикомат қилди, 1937 йилда вафот этди.

А.Ўразаевнинг синглиси – Ойшахоним Ўразаева (1897 йил 2 сентябрь–1988 йил 31 январь) онаси сингари совет мактабларида ишлаган. Туркистонда дастлабки аёл ўқитувчилардан бири бўлган. У Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳридаги аёллар гимназиясини тугатиб, Намангандаги рус-тузем мактабида рус тилидан дарс берган. Сўнгра Скобелевдаги совет мактабида фаолият кўрсатди. У кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси академиги ва биринчи президенти Тошмухаммад Ниёзович Кори-Ниёзийга турмушга чиққан.

Носирхон Тўра

Носирхон Тўра (Носирхонтўра Саид Камолхонтўра ўғли. 1873–1931) – истиклолчилик

ҳаракатининг гоёвий раҳбарларидан бири, машҳур уламо.

1873 йили Наманганда ўзбек уламоси оиласида тугилган. Бухорода, сўнгра Кобул, Дехли, Бағдод ва Хижоз шаҳарларида таҳсил олган. Туркистонга қайтгач, 1912 йили Наманган шаҳрига қозиб бўлган. 1913 йилдан бошлаб жаҳидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. “Шўро Исломи” ташкилотининг Наманган шўбаси раҳбари, Наманган шаҳар Думаси аъзоси (1917).

Бутунтуркистон мусулмонлари ғавқулдда IV қурултойини 1917 йил 26–28 ноябрда Қўқон шаҳрида ўтказишда қозибқилиб қўрсатди. Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига маориф вазири сифатида қилинди. 1919 йили Қосонсойда “Миллий иттиҳод” ташкилоти ячейқасини ташкил қилган. Совет режими томонидан бир неча марта қамолқилинди. Оренбургда қўқонд бўлган (1925–1928). Қўқондан қайтгач, мажбури тузумга қарши фаол қўқонли давом эттирган.

ОГПУ махсус қўқонининг 1930 йил 27 октябрдаги йиғилишида 5054-иш, яъни Носирхон Тўра ва унинг қўқонлари (қами 92 нафар қиши) иши қўқон қилинган қамда уларга қўқон қилинган. Носирхон Тўра ва қўқонларидан 12 нафари ўқим қазосига, қолганлари эса турли муддат қамол қазосига қўқон қилинган. Арқив манбаларида қўқонлишича, қаталон қилинган Носирхон Тўра 1931 йил 13 апрелда Тошқент шаҳрида 55 ёшида қўқон қилинган. Носирхон Тўранинг “Тарихи Туркистон” (15 бўқимдан иборат), “Оренбург мақтўблари” эсдалиги ва бошқа асарлари мажбури.

2021 йил 25 августда бўқиб ўтган Ўзбекистон Олий суди мажлисида Носирхон Тўра ва бошқаларга оид 92 нафар шахсга қисбатан қиной иши бекор қилиниб, улар ўқимдан қўқон қилинди.

Қайдносир Мирқалилов

Қайдносир Мирқалилов (1884–1937) – маърифатпарвар ва давлат арқоби.

1884 йили Туркистон шаҳрида ўзбек оиласида тугилган. Дехқончилиқ ва савдо ишлари билан шугулланиб, Туркистоннинг йирик сарқоядорларидан қирига айланган. Туркистон шаҳрида пахта тозалаш заводи қўқон, жаҳид мақтабини очган (1914). Давлат Думаси мусулмон шўбасининг Петербургда бўқиб ўтган йиғилишида қатнашган (1914). У 1917 йили Тошқентга қўқиб қелган ва шаҳар Думасига аъзо бўлган. “Шўро Исломи” ташкилотининг аъзоси сифатида Туркистон Мухторияти ҳукуматининг 1917 йил ноябрда ташкил этилишида фаол қатнашган ва ҳукуматнинг газначиси бўлган.

Мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдариб қатланган, С.Мирқалилов аввал Самара ва Тифлисга қоради, сўнгра бир муддат Туркияда қайди. У 1921 йилда Тошқентга қайтиб, “Туркистон” савдо-санот ширқатини ташкил қилиб, ундан тушган даромад қисобига “Миллий иттиҳод” ташкилотини қўқон-қўқонлаган қамда Германияга ўқига қўқонилган айрим талабаларни нафақа билан таъминлаган, уларга моддий ёрдам қўқонган. У “Нашри маориф” маърифий ташкилоти ва “Қўмақ” қамиятининг асосқиларидан қири (1923–1925). С.Мирқалилов Қамза ва Қўқон, ёзувчи Абдулла

Муаллиф:

01.10.2023 14:10 -

---

Кодирийни моддий жихатдан қувватлаб турган.

Совет режими томонидан у бир неча марта (1925, 1932, 1937) қамоққа олинган. Соловки оролларидаги қамоқхонага ташланган (1925–1928). С.Миржалилов 1937 йил 21 июлда Тошкентда учинчи марта қамоққа олиниб, 1937 йил 9 октябрда отиб ташланган. С.Миржалиловнинг кизи Зарифа Саидносирова (1908–1986) кимёгар олима, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968) ҳамда биринчи ўзбек аёл рассоми бўлиб, у таникли ёзувчи Ойбек (1905–1968)нинг рафикасидир. З.Саидносированинг “Ойбегим менинг” хотиралар китоби нашр қилинган.

Кахрамон РАЖАБОВ,  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тарих институти бош илмий ходими